

ЎРТА ОСИЁ АҲАМОНИЙЛАР САТРАПЛИГИ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА

Шаймарданов Азамат Зокирович

Термиз давлат университети Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик
кафедраси ўқитувчиси ashaymardanov@tersu.uz

Аннотация: *Ўрта Осиё халқлари 200 йилдан ортиқ вақт давомида Аҳамонийлар давлати таркибида бўлган ва шу вақт мобайнида (мил. авв. 539-329 йилларгача) қадимий форс империясига ҳос бўлган бошқарув тартиби ва титуллари (мақом, мансаб) минтақада ҳукмрон бўлди. Ушбу мақолада, аҳамонийлар давлати бошқаруви титуллари ва Ўрта Осиё минтақасининг сатрапликларга бўлиб бошқариш тартиблари ҳусусидаги илмий қарашлар тадқиқот доирасига тортилган.*

Калит сўзлар: *аҳамонийлар, асабара, усабара, ҳазарапати, Кара, датапати, Спāда, сатраплик, Дабирпат, ганзабара, ҳамаракара, amrtaka.*

Аннотация: *Народы Средней Азии находились в составе государства Ахеменидов более 200 лет, и в это время (539-329 гг. до н.э.) в регионе преобладал управленческий порядок и титулы (статус, положение), характерные для древней Персидской империи. В данной статье в объем исследования включены научные взгляды на административные титулы Ахеменидского государства и административные процедуры разделенного на сатрапии Среднеазиатского региона.*

Ключевые слова: *Ахемениды, Асабара, Усабара, Хазарапати, Кара, Датапати, Спада, Сатрап, Дабирпат, Ганзабара, Хамаракара, Амртака.*

Abstract: *The Central Asian peoples were part of the Achaemenid state for more than 200 years, and during this time (539-329 BC) the administration order and titles (status, position) characteristic of the ancient Persian Empire prevailed in the region. In this article, scientific views on the administrative titles of the Achaemenid state and the administrative procedures of the Central Asian region divided into satrapies are included in the scope of research.*

Keywords: *Achaemenid, Asabara, Usabara, Hazarapati, Kara, Datapati, Spāda, Satrap, Dabirpat, Ganzabara, Hamarakara, Amrtaka.*

Кир II тузган қўшин Аҳамонийлар давлатининг шаклланиши ва сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаб боришда катта рўл ўйнаган. Империянинг юнон-форс урушларигача доимий қўшинлари бўлмаган. Қўшин элабий ва бошқа бўйсундурилган халқлар вакилларидан мажбурий равишда тўпланган. Қўшин давлатнинг ички ва ташқи сиёсий масалаларда асосий таянч вазифасини бажарган. Армияда отлиқ аскарлар – асабара, араб жангчилари асосан, туяда жанг қилганлар, улар – усабара деб номланган ва пиёда аскарлардан (пасти) дан тузилган. Уруш араваларидан махсус қисм бўлинмалари сифатида фойдаланилган. Армиянинг асосини "ўлмаслар" (amrtaka) бўлинмаси ва қиролнинг шахсий қўриқчилари ташкил этган. Қиролнинг шахсий қўриқчи аскарлари

мингта "ўлмаслар" бўлинмаси эди. Бу минг нафар сараланган қўшинларга шоҳлар шоҳининг энг ишончли мулозими ҳазарапати(бош вазир) бошчилик қилган. У марказий девон, барча давлат идоралари, мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилган, подшоҳнинг шахсий қўриқчиларига бошчилик қилган. У марказий девонга келиб тушган шикоят ва аризалар ҳақида подшоҳга маълумот берган.

Нафақат қадимги эронликларда, умуман шарқ халқларида шоҳ маълум уруғлар, яъни ҳукмронликка даъвогар, ҳукмронликка тааллуқли қабила уруғлари ичидан, халқ йиғинида сайланган («Қага» - халқ-қўшин). Аҳамоний урф-одатига кўра, бу йиғинда шоҳлар шоҳи(хšāyaθa хšāyaθiyānām) сайланган. Шоҳнинг номи нафақат улуғланиб, балки илоҳийлаштирилиб худоларга тенглаштирилган, илоҳларга «қиёсланган». У дунёвий ишлар билан бир вақтда диний ишларни ҳамда маросимларни ҳам бошқарган.

Аҳамонийларнинг давлатни идора қилиш усули ҳақиқий ҳарбий деспотизмни ўзида номойон қилади[1.225]. Негаки, аҳамонийларга давлатни идора қилишнинг қонун чиқарувчи, ижро ёки суд органлари каби бошқарув усуллари умуман бегона эди. Шоҳ ёки шоҳлар шоҳи бутун ҳокимият эгаси ҳисобланган.

Марказий бошқарув аппаратида "Хазарпат" - мингбоши катта рол ўйнаган. У бир вақтнинг ўзида қирол ва саройни қўриқлаган "ўлмас" жангчиларнинг ҳарбий раҳбари эди. Бизнингча, бу бўлинманинг ўлмас деб аталишига сабаб, бўлинмада ҳалок бўлган ҳар бир аскар дарҳол янгиси билан алмаштирилган. Шунинг учун уларнинг сони бир хил бўлиб, уларни ўлдириш мумкин эмасдек таассурот қолдирган. Хазарпат саройдаги хавфсизлик ва тартиб-интизом учун масъул эди. Юришлар пайтида қиролнинг энг яқин маслаҳатчиси. У саройнинг ташқи дунё билан алоқаларини кузатиб борар ва барча муҳим воқеалар ҳақида қиролга ҳисобот берар ҳамда шоҳ қабули вақтида ташриф буюрувчиларни назоратини амалга оширган. Манбаларга кўра, у суд аппаратидаги энг нуфузли шахслардан бири бўлган. Қиса қилиб айтганда, марказий ва маҳаллий амалдорлар устидан олий назорат Хазарпати ("мингбоши") зиммасига юкланган[2. 36].

Форс қўшинлари ўнлик бошқарув тизимига кўра ташкил этилган дастлабги армия эди. Жумладан, ўн кишилик кичик бўлинма датабамга датапати(датапати), юзта аскардан иборат қисм сатабамга сатапати(татапати, сат-форсийча юз)[3.57], сараланган минг нафар "ўлмас полк"ни ташкил этган қўшин хазарабам қўмондони ҳазарапати, бир туман яъни ўн минг кишидан ташкил топган аскарний бўлинма баиварабам бошлиғи баиварапати титулида бўлган. Бундан ташқари, юзбошиларнинг(сатапати) ёрдамчилари бўлиб хизмат қилган паскасатапати деб номланган қўмондонлар ҳам қўшин таркибида бўлган[4.19].

Шу ўринда аҳамонийлар даври манбаларида кўп учрайдиган спāда терминиға аҳамият қаратсак. Спāда (қўшин) сўзи юнон-форс урушлари давридаги мумтазам қўшинни ифодалаш учун қўлланилган. Форс манбаларида спадапати қўшин бошлиғи титули ҳам учрайди. Ёзма манбаларни таҳлил қиладиган бўлсак, спāдапати кейинчалик яъни сосонийлар даврида сипаҳбад – пиёда қўшинлар бошлиғига ўзгарган. Сипоҳ сўзи спада сўзининг ўзгарган шакли деган хулосаға келдик.

Тадқиқотчилар фикрига қараганда, сатраплик бошқарув институти илк бора Аҳамонийлар томонидан эмас балки Мидия подшолиги даврида жорий этилган. Аммо сатрап атамаси ҳақида кўпаб қарашлар мавжуд бўлиб, бир-бирига ўхшаш. Атама ўзаги ҳар хил шу билан бирга маносида ҳам яқинлик мавжуд. Қадимги форс тилида хшатрапан шаклида қўлланилган бўлиб, олимлар фикрига қараганда бу атама кўпроқ Мидия тилига яқинроқ ҳисобланади[5.109]. Сатрап атамаси эса юнон-рим тарихчилари томонидан қўлланилган. Ушбу қадимги форс атамасида “Авесто” даги хшатра ўзаги қўлланилиб, хшатрапан “вилоят”, юнон-рим манбаларидаги сатрап титули “сатрап, сатраплик ҳокимиятини амалга оширувчи” маъносини англатган[6. 255]. Сатрап атамаси қадимги форс ёзувларида (х̣šaçaṗāvān), аккад тилида аҳшадрапану, оромий ва иброний тилларида аҳашдарпан, ҳшатрапан, миср манбаларида Х̣штрпнва, лотин тилида прафестус[7.204] шаклида ёзилган. Форс битикларидаги х̣šaçaṗāvān сўзи икки мустақил сўздан яъни х̣šaça “мустақиллик” ва pā “ҳимоя қилиш” сўзларига vān- сўзини қўшиш орқали ҳосил қилинган. ṣaçaṗāvān сўзи юнон тилидаги сатрапес сўзи билан бир хил маънога эга. Қадимги форс тилидаги бу сўз империя ёки мустақиллик ҳимоячиси сифатида маълум. Милоддан аввалги VIII аср Оссурия ҳужжатларида ҳам хшатрапан сўзи учрайди. Яна бу атама ҳақида Э.А. Грантовский таҳлил этар экан, дастлаб ушбу атаманинг давлат ва маъмурий бошқарув атамаси эмас балки “ҳокимият ёки подшоҳлик қўриқчиси”, “подшоҳлик ҳимоясини амалга оширувчи” маъносини англатувчи шахс титули сифатида таъкидлайди[8.285]. Чамаси, юкорида эсланган даҳю – мамлакат, вилоят маъносини англатган атама, ахамонийлар даврида хшатрага ўзгаради.

Аҳмонийлар салтанатининг бош маъмурий маркази Суза шаҳри эди. Бу ерда шаҳаншоҳ девонхонаси жойлашган бўлиб, барча ҳужжатлар шу ерда сақланган. Давлат девонхонаси фаолияти ва уламолар бошлиғи “Дабирпат” титулида бўлган. Девонхона амалдорлари таркибига: сатрапликлардан олиб келинадиган давлат солиқларини қабул қилувчи ғазначилар бошлиғи – “ганзабара”(ganzβar), давлат сиёсий ҳаётига оид бўлган янгликларни, солиқ йиғиш вақтини эълон қилувчи жарчилар – “аздқара”, ҳисобчилар – “ҳамарақара”, суд терговчилари – “фрасака” каби мансаб эгалари ҳам кирган[2.36]. Марказий ва сатрапликлардаги давлат аппаратида асосий лавозимларни форслар эгаллаган.

Суд протсессиди қиролдан кейинги иккинчи даражани бош судья эгаллаган. У подшоҳ томонидан тайинланган ва амалдаги қонунлар асосида ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилган. Қадимги форс тилида судья “датабар” (ҳакамларнинг расмий унвони форсча келиб чиқишга эга бўлиб, *дāтабара- (“қонун эгаси”), аккад да-(а-)та-ба(р)-ра ва эламий тилида да-уд-да-бар-ра, оромий дтбр дтбрй’) деб аталган. Аммо, Ўрта Осиё сатрапликларда датабарлар бўлмаган. Чунки, суд ҳокимияти тўлиқлигича сатраплар қўлида тўпланган эди.

Шоҳлар шоҳи, шаҳаншоҳ Доро I аҳамонийлар давлати бошқарувида янги ислохотларни амалга оширди. У бошқарув ва молия ишларини янги поғонага олиб чиқди, бутун империя ҳудудини сатрапликларга бўлиб идора қилиш усулини жорий

этди. Сатраплик ҳудудлари аввалги маҳаллий давлатлар ва аҳолининг этник гуруҳлар яшайдиган чегаралари асосида бўлиб чиқилди. Кир ёки Камбиз даврида босиб олинган ерлар маҳаллий ҳукмдорлар томонидан бошқарилган бўлса, янги ислохотга асосан, сатраплик(х̣ṣаṣа-рā-vān) бошлиқлари форсийлардан тайинланадиган бўлди[5.271].

Х̣ṣаṣа-пā-vān сўзи таҳлили қуйидагича: хсаṣа- “империя-мамлакат”, па-боғловчи сўз, ван - “ҳимоячиси” яъни мамлакат ҳимоячиси. Кир II ва Камбиз II даврида х̣ṣаṣа-пā-vān титули Доро I даври ёзма манбаларида бир сўз остида бирлаштирилиб, бандака (вассал) деб ҳам таърифланган[9].

Ўрта Осиё сатрапликлари ва ундаги ҳарбий бошлиқлар шоҳлар шоҳи ва марказий давлат бошқарувининг доимий назоратида бўлган. Давлат бошқаруви ва текширувлар “Хазарапад” томонидан амалга оширилган. У бир вақтнинг ўзида шоҳлар шоҳидан кейинги иккинчи шахс бўлиб, ўн минг ўлмас полк қўмондони ҳисобланган. Юнон муаллифлари бу титулни “«хилиарх»” деб атаган. “Хазорапат” унвони (грек. – ρηϊάξρνο, ρηϊάξρεο, ρηϊάξρνῶληνο) ҳақида биринчи марта Арриан асарида эслаб ўтилган, у ерда у Аҳамонийлар амалдори ҳақида шундай ёзади: “Набарзан, отлиқлар ҳилиархи”[10.21]. Аҳамонийлар даврига оид манбаларда, сак ва массагет қабиласи вакиллари моҳир чавандоз жангчилар сифатида эсланади. Форс империяси отлиқ қўшинлари асабам деб аталиб, уларнинг бошлиғи асапати яъни “отлар хўжайини” деб номланган. Геродот энг машҳур асапатилардан бири мил. авв. 479 йилда Платея жангида қатнашган Масист эди” деб баён этган [11].

Манбаларда ҳарбий қўмондонлар титуллари ҳақида қайта-қайта эслатиб ўтилади, улар орасида энг кенг тарқалгани “каран” ва “сатрап” титулидир. Форс империясида қўшинни анъанавий равишда қиролга энг яқин одамлар бошқарган. Улар “каран” деб атаган титулни олганлар. Форсларда қўшин уч турга бўлинган: отлиқ, пиёда ва флот. Пиёдалар қўшини ўз навбатида найзавардорлар – “арстибара”, спарабара – қалқон кўтарувчи, камончилар – “вакабара” каби гуруҳларга ажратилган[12. 221]. Караннинг ўзига хос вазифалари таҳлили Э. Рунг томонидан “Аҳамонийлар империясида ҳарбий раҳбарнинг позитсияси” монографиясида кўриб чиқилган[13. 45-64].

Армиядаги энг юқори мартабали отлиқ қўшин 5000 форсдан иборат бўлиб, Ҳувака деб номланган зодагонлардан тузиб чиқилган. Улар қирол билан бирга овқатланиш шарафига эга эдилар ва ҳатто қуйи мартабадаги одамлар уларни ҳурмат қилишлари шарт эди[14.77-87].

Баъзи тарихчилар “карана” унвонини “қўшин” (қадимги форсча - кара-) сўзидан олинган деб ишонади[15.123]. Тадқиқотчиларнинг яна бир қисми, П. Чантраин ва Х. Фриск бу титулни қадимги юнонча “бош”, “бошлиқ” сўзидан келиб чиққан деб ҳисоблайди. Беҳистун ёзувида қўлланган кара атамаси ҳам “қўшин”, ҳам “халқ” маъноларини билдиради.

Бизнингча, карана унвонига эга бўлган одам, подшоҳнинг ишончли одами, юришлардаги қўшин қўмондони бўлиб, унинг вазифаларига: тинчлик даврида ҳам, уруш даврида ҳам ҳудудий жиҳатдан маълум бир топархияга тегишли бўлган подшоҳ

армиясининг бир қисмига ҳарбий қўмондонлик қилган ва қўшин йиғиш ишларига масъул бўлган. Караналар шоҳлар шоҳига, умумий қўшиннинг бош қўмондонига бўйсунган.

Аҳамонийлар давлатида Ўрта Осиё сатрапликлари бошқа ҳудудларда бўлганидек, провинсия-округларга бўлинар эди. Уларнинг ҳокимлари форсча “фратарак” (оромийча *prtrk*) титулига эга бўлишган[15. 115]. Ўрта Осиёда майда мулклик ҳокимларининг(фратарак) келиб чиқиши маҳаллий асосга эга бўлган. Баъзи тадқиқотчилар томонидан пртрк титули “олов қўриқчиси” деб ўқилган. Таниқли эроншунос олим Ф.К. Андреаснинг талқинига кўра, у бу сўзни қадимги форсча пртрк “ҳукмдор, ҳоким” деб тушиниш керак деган фикрига қўшилаемиз. Улар деҳқончилик ҳудудлари ва туманларини бошқаришар эди. Ҳокимларнинг асосий вазифаларидан бири йиллик солиқ ва ўлпонларни йиғишдан иборат эди. Ўрта Осиё сатрапликларидаги ғазнанинг асосий сақловчиси яъни бош хазиначи янги форс тилида “хазинадар” деб аталган, бу сўзнинг қадимги эронча шакли номаълум. Сатрапликлардаги солиқ тушумлари сақланадиган омбор мудирини ҳамабаравара – ҳамабаравара титулида бўлган бўлса, солиқ йиғувчи мулозимлар “базикара” деб аталган. Маҳаллий ҳокимлар(фратарак) сўзсиз сатрапга бўй сунган, масалан, Хориен ва Катан Бақтрия сатрапи Бессга бўйсунишар эди[17.101].

Аҳамонийлар сатрапликларидаги бошқарув, назорат ва текширув тизимлари ҳақида гап кетганда шунга эътибор қаратиш керакки, Жанубий Бақтрия архив ҳужжатларига кўра, бошқа ўлкаларда бўлганлиги каби Ўрта Осиё ҳудудида ҳам сатрапларнинг кўз ва қулоқ институтлари амал қиларди, яъни гаушака (шоҳлар шоҳининг хуфиялари, қулоқлари)га ўхшаган айғоқчилар ҳудудлардаги сиёсий вазият ҳақида маълумот бериб турган. Форс битикларида “подшоҳнинг кўзи” ва “подшоҳ қулоғи” эмас, “спасака” (оромий тилида *gwšky*) тарзида ифодаланган. Маълумки, “Спакҳака” ёки “спас(а)” сўзи жосус, назоратчи, кузатувчи маъноларини билдиради ва маъмурий механизм разведка органи ҳисобланади. Дарҳақиқат, “Авесто”да “спакҳака/спас(а)” сўзи учрайди. Аҳамонийлар даврига оид бўлган манбаларда ҳам спаса, подшоҳнинг Митра исми айғоқчиси спасака номи билан келади. “Спас(тх)ака” лақабли зобит подшоҳнинг назари билан йилига бир марта текширув ўтказишга мажбур эди[18. 234]. У ХшаҶа-пā-вāнларнинг умумий масъулиятини, даҳявадаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни, бошқарувнинг фаолиятини кузатиб, бевосита қиролга ҳисобот берар эди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Lenormant Ch. Manuel d'histoire ancienne de L' Orient jusqu'aux guerres Mediques. 1836. - P. 255.
2. Голамреза Ж. История государственного управления в Иране и Средний Азии в древности. Душаенбе, 2004.

3. J. Marquart, Untersuchungen zur Geschichte von Eran I, Gottingen, 1896.
4. Eren KARAKOÇ. Yüksek Lisans Tezi. Pers ve Greklerde Ordu. GAZİ ÜNİVERSİTESİ. SOSYAL BİLİMLER ENSTİTÜSÜ. Haziran 2014.
5. Фрай Ричард. Наследие Ирана / Ричард Фрай; [Под. ред. и с предисл. М.А. Дандамаева; Пер. с англ. В.А. Лившица и Е.В. Зеймалю]. -2-е изд., испр. и доп. – М.: Восток. литература., 2002.
6. Бенвенист Э. Словарь индоевропейских социальных терминов: Перевод с французского. Москва.: Прогресс-Университет, 1995.
7. J. Wiesehöfer, "Satrap", DNP, Band II, Stuttgart 1996, 108; R. Schmitt, "Achaemenid Dynasty; from the Persian Clan of the Same Name ca. 700 to 330. B.C.", Elr., Vol.1, Londra-Costa Mesa 1986, 418;
8. Э.А. Грантовский О распространении иранских племен на территории Ирана // История Иранского государства и культуры: К 2500-летию Иранского государств. – Москва, "Наука", 1971.
9. Eilers,W. & Herrenschildt, C, <https://iranicaonline.org/>.
10. Arr. An. III. 21
11. Herodotos, 1885/2011: 695
12. Ali Farazmand. PERSIAN LEGACIES OF BUREAUCRACY AND PUBLIC ADMINISTRATION. PUBLIC ADMINISTRATION AND PUBLIC POLICY – Vol. I - Persian Legacies of Bureaucracy and Public Administration.
13. Рунг Э.В. Должность военачальника в Ахеменидской империи / Iranica: Иранские империи и греко-римский мир в VI в. до н.э. – VI в. н.э. / Под ред. О.Л.Габелко, Э.В.Рунга, А.А.Синицына, Е.В.Смыкова. Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2017.
14. Brosius ve Kuhrt, 1998: P. 77-87.
15. Bivar A. D. H. A «Satrap» of Cyrus the Younger. NC: VIIIth series. Pt 1, 1961. 16. Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика...С. 115 .
17. Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимова. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент: Академнашр, 2021.
18. PERS YÖNETİM MEKANİZMASI VE MÖ. VI- IV. YÜZYILLARI ARASI DOĞU ANADOLU BÖLGESİ. Çalışma Türü: Araştırma Makalesi. Nimet SÖNMEZ OKULMUŞ. 2021, Yıl 5, Sayı 17, P. 234